

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2011
АПРЕЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

С.УСМОНОВА

“Беовульф” ва “Алпомиш” достонларида халқпарварлик ғояларининг бадиий ифодаси.....	63
--	----

ТИЛШУНОСЛИК

А.ЗИЯЕВ

Ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги сифат сўз туркумида интенсификация ва деинтенсификация ҳодисасининг намоён бўлиши.....	66
---	----

Н.ХОШИМОВА

Сўзларнинг мазмуний алоқаси тадқиқида занжирли ассоциатив тажрибанинг ўрни	69
--	----

М.ДАНИЕВА

Инглиз тилидаги сўз бирикмалари таркибий қисмларининг ўзаро муносабати.....	72
---	----

Г.ГАНИЕВА

Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида топонимларнинг лингвокогнитив асослари	76
--	----

Д.ТЕШАБОЕВ

Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳавола бўлакли эргашган қўшма гаплар.....	80
---	----

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

А.АСИМОВ

Бошланғич синфларда масала ечишдаги ижодий ёндашиш	83
--	----

М.ҚАХҲОРОВА, З.ПОЗИЛЖОНОВА

Тест турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	85
--	----

Ш.УСМОНОВ

Шахслараро муносабатларда толерантликнинг эмпирик таҳлили	88
---	----

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.ҲАКИМОВ, З.ХОДЖАЕВА

Модус ва диктум тушунчалари хусусида	92
--	----

Э.НАСРУЛЛАЕВ

Ўзбек халқ поэтик ижодида достончилик анъаналари	95
--	----

Н.ҚОЗОҚОВА

“Шум бола” қиссасининг айрим лексопрагматик хусусиятлари	97
--	----

АДАБИЙ ТАҚВИМ

С.МЎМИНОВ, Т.МЎМИНОВА

Абдулла Орипов шеъриятида муаллиф шахсияти ва лирик қаҳрамон.....	99
---	----

ҚУТЛОВ

Сўз илмининг заргари	101
----------------------------	-----

Касбидан ҳурмат топган устоз.....	102
-----------------------------------	-----

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Янгича шакллар таҳлили	104
------------------------------	-----

Библиография	106
--------------------	-----

ХОТИРА

Камтарлик ва комиллик соҳиби эди	107
--	-----

УДК: 415.63

ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ҲАВОЛА БҮЛАКЛИ ЭРГАШГАН ҚҰШМА ГАПЛАР

Д.Тешабоев

Аннотация

Мақолада халқ мақолларидағи ҳавола бүлакли әргашган құшма гаплар, уларнинг турлари, ҳосил қилуачи воститалар, семантикаси түрлери сөз жөнитилади.

Аннотация

Статья посвящена вопросу использования в народных пословицах сложноподчиненных предложений с определительно-местоименными придаточными, а также рассматриваются их типы, средства составления сложных предложений и их семантика.

Annotation

The article describes the use of proverbs in a complex sentence with subordinate attributive pronouns, and discusses their types, means of preparation of complex proposals and their semantics.

Таянч сөз ва иборалар: құшма гап, ҳавола бүлак, нисбий сүзлар, дейксис белгилар, ҳавола бүлакли әргашган құшма гап, ҳавола бүлакли кесим, түлдирувчи, ҳол ва аниқловчы әргаш гаплар құшма гап.

Ключевые слова и выражения: сложное предложение, местоименно-определительные придаточные, относительные местоимения, дейксис, сложноподчиненное предложение с придаточным местоименно-определительным, придаточное предложение со сказуемым, сложноподчиненное предложение определительными и обстоятельственными придаточными.

Key words and expressions: complex sentence, the pronoun-attributive clauses, relative pronouns, deixis, complex sentence with subordinate attributive-pronoun, clause with the predicate, complex sentence with subordinate attributive and adverbial.

Кейинги йилларда гап ҳақида янгича назарияларнинг пайдо бўлиши, унинг мазмун томонига кенг эътибор берилиши натижасида құшма гаплар хусусида янгича ёндашувлар кузатилмоқда.

Ҳавола бүлакли әргашган құшма гаплар синтактик ҳодиса сифатида кенг ўрганилган бўлиб, унга доир назарий маълумотларда нисбий сүзларнинг асосан ким-у, қайси бири-у (ўша), ҳар ким – у, нима-у (ўша), қанча-шунча, нечта-шунча, қандай-шундай, нечоғлик - шу даржада, қаер – шу ер каби жуфтликлари ажратиб кўрсатилади ва асосан құшма гап компонентларини бириттирувчи востита сифатида эътироф этилади. Жуфтлик тарзида берилиши эса уларнинг әргаш гаплар құшма гапнинг ҳар иккала компонентида қўлланилиши билан боғлиқдир. Шуни назарда тутган ҳолда айрим манбаларда фақат бош гап таркибида қўлланадиган ва эга, кесим, түлдирувчи, аниқловчы вазифаларида келадиган кўрсатиш олмошлари нисбий сөз сифатида ажратилмаган [1.410-415].

Ҳавола бүлакли құшма гаплар нисбий олмош (айрим манбаларда нисбий сөз деб

берилган) ёрдамида шакланади. Бундай әргаш гаплар құшма гаплар ҳақидаги назарий маълумотлар ҳам жуда кўп тадқиқотларда учрайди [2.365].

“Ўзбек тилининг назарий грамматикаси” ва “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” рисолаларида нисбий олмошлар қатнашган әргаш гаплар құшма гаплар ҳавола бүлакли құшма гап сифатида талқин этилган. Уларда ҳавола бүлак дейилганди, умумий тилшуносликдаги “дейксис белгилар” назарда тутилиши таъкидланган ва бунинг сабаби шундай изоҳланган: “Дейксис белгиларнинг моҳияти шундан иборатки, улар мазмунни – воқеа, белги, нарсаларни бевостита ифодаламайди, балки уларга ишора, ҳавола қиласи, шунга кўра уларни мазмунан кучсиз, бўш сүзлар сифатида қараш мумкин” [3.243].

Бадий нутқ икки оғзаки ҳамда ёзма шаклга эга. Оғзаки нутқ асосида яратилган бадий асарлар халқ оғзаки ижоди деб аталса, ёзма нутқ асосида яратилган бадий асарлар эса ёзма адабиёт намуналари сифатида эътироф этилади. Бадий нутқда ишлатиладиган ҳавола бўлаклар ёрдамида шакланган әргашган құшма гапларни ўрганишда юқоридагидан

Д.Тешабоев – ФарДУ бошлангич таълим услубиёти кафедраси ўқитувчisi.

ТИЛШУНОСЛИК

келиб чиққан ҳолда, уни дастлаб иккига бўлиш мумкин:

1. Узбек халқ оғзаки ижоди асарларида қўлланган ҳавола бўлакли эргашган қўшма гаплар.

2. Бадиий асарларда қўлланган ҳавола бўлакли эргашган қўшма гаплар.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди мақол, топишмоқ, латифа, лоф, асқия, асотир (миф), афсона, ривоят, эртак, достон, кўшиқ каби бир қатор жанрларни ўз ичига олади. Бу жанрлардаги асарларда бошқа типдаги гаплар билан бирга ҳавола бўлаклар ёрдамида шаклланган эргашган қўшма гаплардан ҳам муайян даражада фойдаланилади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатди, бадиий нутқ услубига хос бўлган ҳавола бўлаклар ёрдамида шаклланган эргашган қўшма гаплар халқ оғзаки ижодининг турли мазмун-характердаги жанрларида ишлатилади. Чунки бундай эргашган қўшма гаплар дидактик мазмунни ифодалашда анча кенг имкониятларга эга. Халқ оғзаки ижодида уларнинг шаклий ва мазмуний тузилишига кўра бир неча туридан самарали фойдаланиш мумкин. Буни биз ўзбек халқ мақоллари [4] мисолида кўриб чиқишини лозим топдик.

Халқ мақоллари адабий тилимизнинг битмас-туганмас манбаларидан бири сифатида жуда катта маърифий-эстетик қимматга эга. Мақолларда халқ тилига хос соддалик, қисқалик ва полисемантиклик мужассамлашган. Мақоллар матнида қўшма гапларнинг унчалик мураккаблашмаган тури кенг ишлатилади. Шу жумладан, ҳавола бўлаклар ёрдамида шаклланган эргашган қўшма гаплар ҳам учраб туради. Чунки қўшма гапнинг бу тури ифодаланаётган фикрнинг энг нозик жиҳатларигача очиб берга олиш имкониятини беради.

Масалан: **Ҳар ким қилар ўзига, Елик сурттар кўзига;**

Новда қандай қайрилган бўлса, дарахт ҳам шундай эгилади

Ўзбек халқ мақолларидаги ҳавола бўлаклар ёрдамида шаклланган эргашган қўшма қўшма гаплар шаклий тузилишига кўра эга, тўлдирувчи, ҳол ва аниқловчи эргаш гаплардир.

Халқ мақолларида қўлланган ҳавола бўлаклар ёрдамида шаклланган тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап

одатдагидай бош гапдаги тўлдирувчи вазифасида келган ҳавола бўлакнинг маъносини аниқлаштиради. Одатда, бундай типдаги гапларда кимга... ундан, нимани...шуни, нимани...шунга каби нисбий сўзлар ёрдамида шаклланади ва эргаш гап бош гапдан олдин жойлашади.

Нима эксанг, шуни ўрасан.

Кимки бўлса дилозор, Ундан элу юрт безор.

Нимани насиҳат қилсанг, шунга риоя қил.

Баъзи ҳолларда тўлдирувчи вазифасида келган ҳавола бўлак кўлланмаслиги ҳам мумкин.

Нимани юрак ўйласа, тил сўзлайди.

Ҳавола бўлаклар ёрдамида шаклланган ҳол эргаш гапли қўшма гаплар ҳам халқ мақоллари таркибида нисбатан кенгроқ ишлатилган. Уларнинг таҳлили шуни кўрсатди, эргаш гаплар асосан бош гапдаги ҳолат, даража-миқдор, ўрин ҳолини изоҳлаган.

Шаробни қандай шопирган бўлсанг, шундай ичасан.

Меҳнат қанча оғир бўлса, кети шунча ширин бўлади.

Жиноят қанчалик баланд бўлса, дор шунчалик баланд бўлади.

Фақат бир ўринда “**қандай**” нисбий олмоши вазифасида “**қанақа**” бирикмаси, “**шундай**” нисбий олмоши ўрнида эса “**шунақа**” сўзи ишлатилган.

Үқитувчи қанақа бўлса, ўқуевчи шунақа.

Бошқа бир мақолда эса эргаш гап таркиbidаги “**қандай**” нисбий олмошига “**шундайлигича**” сўзи ишора қилган ва тарз ҳолати тушунчасини ифодалаган.

Нимани қандай топган бўлсанг, шундайлигича қабул эт.

Халқ мақолларида ишлатилган ҳавола бўлакларлар ёрдамида шаклланган ҳол эргаш гапли қўшма гапларни мазмуний тузилишига кўра куйидаги турларга ажратиш мумкин:

а) даража-миқдор семасини ифодалаган ҳавола бўлакли ҳол эргаш гапли қўшма гаплар: **Маймун қанчалик юкори чиқса, думини шунчалик кўпроқ кўрсатади; Қанча одам бўлса, шунча ақл.**

б) ўрин семасини ифодалаган ҳавола бўлакли ҳол эргаш гапли қўшма гаплар: **Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам ўша ерда.**

с) тарз семасини ифодалаган ҳавола бўлакли ҳол эргаш гапли қўшма гаплар: **Давлат қандай келган бўлса, шундай кетади.**

Ҳавола бўлаклар ёрдамида шаклланган аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар таҳлилида ҳам юқоридаги фикрларни билдириш мумкин. Улар таркибида ҳам бирикиш феълнинг шарт майли шакли ёрдамида амалга оширилган бўлса, “қайси”, “қандай”, “кимнинг”, “ўша”, “шундай”, “унинг” каби олмошлар ҳавола бўлаклар сифатида ишлатилган.

Кимнинг аравасига минсанг, ўшанинг қўшиғини айт;

Бошқа бир мақолда бош гап таркибидаги аниқловчи вазифасида келган ҳавола бўлак қўлланмаганинги ҳам учратиш мумкин, лекин ҳавола бўлакнинг ўрни сезилиб туради. Буни содда гапга айлантириб ҳам аниқлаш мумкин.

Ёмонлик йўқки, унинг асосида аёл ёки мулла бўлмасин. (Ҳавола бўлакли аниқловчи эргаш гапли қўшма гап)

Ёмонликнинг асосида аёл ёки мулла бўлмайдиган тури йўқ. (садда гап)

Баъзан ҳалқ мақолларида учрайдиган ҳавола бўлаклар ёрдамида шаклланган аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларда бош гапдаги аниқловчининг белгисиз қўлланилиши жуда кам учрайдиган ҳодисадир. Бундай қўшма гапларда эргаш гап бош гапга одатдагидай шарт майлидаги феъл шакли (-са) ёрдамида бириккан бўлади. Бош гапдаги белгисиз аниқловчи “ўша” ҳавола бўлаги орқали ифодаланади.

Ким сурнайчига пул тўласа, ўша истаган наво янграр.

Адабиётлар:

1. Караматова К.М., Караматов Ҳ.С. Мақоллар. – Т.: Мехнат, 2000.
2. Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. – Т., 1990.
3. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
4. Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Жиззах, 2007.
5. Нурмонов А., Н.Маҳмудов., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили., Академик литеялар учун дарслик. –Т., 2003.
6. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. –Т., 1992.
7. Ўзбек тили грамматикаси. II том. –Т.: Фан, 1976.
8. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили, –Т.: ЎзССР Ўрта ва олий мактаб давлат нашриёти, 1961.

(Такризчи: А.Мамажонов, филология фанлари доктори, профессор).